



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 21 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Сизларни ва барча юртдошларимизни мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуг сана — Ватан ҳимоячилари кунини ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 21 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари ўтган тарихан қисқа даврда мураккаб шаклланиш йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда сон жиҳатдан ихчам, ҳаракатчан, замонавий талабларга жавоб берадиган, яхши тайёргарликка эга бўлган армия сифатида ўзини намоян этмоқда.

Қуролли Кучларни изчил ислох этиш давомида принципий янги ташкилий-штат тузилмаларини, ҳарбий бошқарув тизимларини, турли қўшин турлари ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва уларнинг ҳамкорлигини таъминлаш механизмларини шакллантириш, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни тубдан яхшилаш бўйича қўламини ва маъно-маъмунига кўра улкан ва беқиёс ишлар амалга оширилди.

Дунёдаги вазият шиддат билан ўзгариб, хавфсизликка нисбатан таҳдид ва хатарлар тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда Қуролли Кучларни модернизация қилиш ва уларнинг жанговар тайёргарлигини, мамлакатимизга қарши қарилган ҳар қандай тажовузга ўз вақтида ва муносиб зарба бериш қобилиятини оширишни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Юзага келаётган мураккаб шароитда ядровий технологиялар ва оммавий қирғин қуролларнинг тарқалиш хавфи, тобора кучайиб бораётган қарама-қаршилик, сиёсий ва диний радикализм ва экстремизм, чегараларимизга бевосита яқин ҳудудларда можароларнинг давом этаётгани, биринчи навбатда, АЙСЕФ деб аталмиш халқаро коалицион кучларнинг Афғонистондан 2014 йилгача ва ундан кейин олиб чиқиб кетилиши кўзда тутилаётгани билан боғлиқ равишда кескинликнинг янада ортиб бораётгани ҳақини ҳамжамиятида ҳақли равишда хавотир уйғотмоқда. Бугунги кунда дунёда киберхитиятчилик, коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда салбий инфор-мация тарқатиш каби халқаро хавфсизликка нисбатан илгари қўрилмаган хавф-хатарларнинг авж олаётгани етарли баҳо бермасдан, уларнинг олдини олмасдан, бепарво бўлиб яшаш мутлақо мумкин эмас.

Минтақамизда ташқи кучлар ўртасидаги манфаатлар курашининг кучайиб бораётгани вазиятни янада чигалаштирмоқда. Чегарага яқин ҳудудларда бузғунчи тўдалар ва кўпуровчи-террорчи гуруҳларнинг фаоллашуви, ижтимоий-иқтисодий муаммолар, сиёсий ва миллатлараро зиддиятларнинг кескинлашиб бораётгани оқибатда ҳарбий-сиёсий вазиятни издан чиқариши мумкин

бўлган жиддий таҳдид ва хатарлар пайдо бўлмоқда.

Сарҳадларимизга бевосита яқин ҳудудларда мураккаб вазият юзага келаётгани, биринчи навбатда, юқорида зикр этилган хавф-хатарларнинг олдини олиш ва бар-тараф этиш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўришни тақозо этмоқда. Бугунги кунда халқаро ҳамжамиятда катта ақс садо бераётган ҳужжат, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2012 йил сентябрь ойида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолият концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”-ги Қонун айнан ана шу мақсадларни амалга оширишга қаратилган.

Мазкур ҳужжатда Ўзбекистоннинг турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянсларга қўшилмаслиги, ўзининг суверенитети ва худудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга экани, Ўз худудига хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймадлиги, мустақил, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақидаги принциплар аниқ-равшан баён этилган.

Айни вақтда Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва жанговар тайёргарлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, мамлакатимиз суверенитети ва унинг давлат чегараларини ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш борасидаги ишларни давом эттириш ана шу ташқи сиёсий стратегияни изчил амалга ошириш, Ўзбекистоннинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашнинг энг муҳим шартини ва кафолатидир.

Қуролли Кучларни қўллаш стратегияси ва тактикасини янада такомиллаштириш, жанговар операцияларни олиб бориш бўйича замонавий тажрибани чуқур ва пухта эгаллаш, шунингдек, шериқларимиз бўлган мамлакатлардаги ўқув ва тадқиқот марказларида кўмондонлик таркибининг малака ошириши бўйича узоқ муддатга мўлжалланган режаларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Давлат чегараларимизни кўриқлаш ва ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, бўлинмаларни реал вақт мезонлари асосида самарали бошқариш имконини берадиган замонавий ахборот-коммуникация воситалари ва технологияларини қўшинларни бошқариш тизимига кенг жорий этиш бўйича бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш ва чуқурлаштириш даркор.

Қўшинларнинг ўқув, жанговар тайёргарлиги маъно-мазмунини тубдан ўзгартириш Қуролли Кучлар кўмондонлигининг устувор вазифаси ҳисобланади. Тезкор-тактик, кўмондонлик-штаб ўқув машқларини пухта режалаштириш, уларни жанговар шароитларга имкон қадар тўла яқинлаштирган ҳолда олиб бориш тизимини такомиллаштириш масалалари ҳам гоёта жиддий эътиборни талаб қилмоқда. Ўқув машқлари давомида

моделлаштириш ва симуляция усулларидан фаол ва кенг фойдаланиш, мамлакатимиз худудига суқилиб киришга уринадиган бузғунчи тўдалар, кўпуровчи-террорчи гуруҳларни бар-тараф этиш бўйича жанговар операцияларни олиб боришнинг турли модел ҳамда вариантларини синаб кўриш муҳим аҳамиятга эга.

Қуролли Кучларни замонавий қурол-аслаҳа ва техника билан қайта таъминлашнинг давом эттириш доимий эътиборимиз марказида бўлиши шарт. Бу соҳада шериқларимиз бўлган хорижий мамлакатлар билан халқаро ҳарбий-техник ҳамкорликни яхшилаш ва унинг қўламини кенгайтириш зарур.

Ҳарбий кадрлар, биринчи навбатда, чуқур билимга эга бўлган ва замонавий фикр-лайдиган, интеллектуал етуқ офицерларни, шунингдек, бугунги кунда армияимизнинг ўзагини ташкил этаётган юксак профессионал малакалик кичик командирлар — сержантларни тарбиялаш тизимини тубдан яхшилаш ҳам Қуролли Кучлар кўмондонлиги фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиши даркор.

Бу борада ҳарбий билим юртли ва сержантлар мактабларида ҳарбий кадрларга ҳарбий соҳа ва ҳарбий санъат ривожидидаги асосий тенденцияларни ақс этирадиган, принципий жиҳатдан янги мутахассислик ва илмфан йўналишларини жанговар ҳаракатларни олиб боришнинг хорижий тажрибаси, замонавий шакл ва методларини ҳисобга олган ҳолда ўргатиш олдимизда турган ишларнинг энг масъулиятли жабҳаси, десам, ҳеч қандай муболага бўлмайд.

Армияда офицерлар, сержантлар ва оддий аскарларда юксак маънавий фазилатлар, мустаҳкам ирода, Ватан тақдирини учун масъулият ҳиссини камол топтириш, ҳарбий жамоаларда соғлом ахлоқий-руҳий муҳитни шакллантиришга қаратилган тарбиявий ишлар тизимини тубдан яхшилаш Қуролли Кучларимиз барча бўлинлари командирларининг алоҳида муҳим вазифасидир.

Шуни яхши англаб олиш керакки, бугунги кунда ҳарбий хизматга қақриллаётган ёшлар аввалги йиллардаги муддатли ҳарбий хизматчилардан мутлақо фарқ қилади. Ҳозирги вақтда мустақиллик йилларида туғилган вояга етган, мамлакатимиздаги лицей ва коллежаларда энг замонавий таълим-тарбия олган йигитлар армия сафларига кириб келмоқда. Улар замонавий ахборот, компьютер технологияларини, хорижий тилларни пухта эгаллаган ва энг асосийси — ҳаёт ҳақида ўзининг мустақил фикри ва қарашига, ахлоқий-маънавий қадриятларига эга бўлган ёшлардир.

Муддатли ҳарбий хизматчиларнинг, миллий армияимизнинг ана шундай янги қиёфасини ҳисобга олган ҳолда, эски қолип ва мезонлардан қатъий воз кечиб, мавжуд Умумқўшин уставлари, қўлланмалари, қоида ва йўл-йўриқларини, ўқув-тарбия ишларини, қўшинларнинг жанговар хизмат фаолиятини ташкил этишининг

шакл ва методларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

Ушбу йўналишдаги ишларимизнинг бош мақсади Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган ёшларда қатъий ирода ва характер, ҳаётини позицияни шакллантириш, уларнинг юксак инсоний фазилатлар соҳибини ва жисмоний чиққан бўлишларига эришиш, ўз билим ва малакасини такомиллаштириш, фан-техника янгиликларини эгаллаш, мамлакатимизда хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни ҳимоя қилиш борасидаги ўзининг ҳарбий бурчини сиздиқидан адо этиш учун интилиб яшашга хизмат қиладиган муҳитни мустаҳкамлашдан иборат бўлиши керак.

Бу вазифани амалга оширишга Мудофаа вазирлиги қошида ташкил этилган Жамоатчилик кенгаши, маданият, санъат, спорт намоёндалари, мамлакатимиз кенг жамоатчилиги вакиллари фаол жалб этиш лозим.

Юртимизда 2013 йилнинг Обод турмуш йили деб эълон қилиниши муносабати билан ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, замонавий ҳарбий шаҳарчалар қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш, уларда бугунги кун талабларига, ҳарбий хизматчилар ва оила аъзоларининг эҳтиёжларига жавоб берадиган барча қулайликларни яратишга қаратилган давлат дастурларини изчил амалга ошириш Мудофаа вазирлиги, ҳарбий тузилмаларга эга бўлган вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, ҳарбий округлар ва қўмондонлигининг энг муҳим вазифасидир.

Қуролли Кучларимиз олди-га қўйилган бундай долзарб вазифаларни амалга ошириш Мудофаа вазирлиги, Бирлашган штаб, ҳарбий округлар ва қўшин турлари кўмондонлари, бригада командирлари, барча офицерлар таркиби томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондонининг миллий армияимиз ташкил этилганининг 21 йиллиги байрами муносабати билан қабул қилинган Директивасида баён этилган кўрсатма ва қоидаларни сўзсиз бажаришни тақозо этади.

Хурматли ватандошлар! Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан сизларни яна бир бор табриқлар эканман, бугунги кунда миллий армияимиз сафларида мураккаб ва масъулиятли вазифани, Ватан олдидаги ўзининг муқаддас бурчини шараф билан адо этиб, мардлик ва жасорат намунасини кўрсатиб келаётган барча ҳарбий хизматчиларга чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Янги 2013 йилда сизларга мустаҳкам соғлиқ, юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлидаги олижаноб фаолиятингизда ютуқ ва зафарлар, куч-ғайрат, оилаларингизга бахту соодат, файзу барақа ёр бўлишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти,
Қуролли Кучлар
Олий Бош Қўмондони

14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини



Озод ва обод юртнинг фидойи фарзандлари

Жамиятимизда ҳукми сураётган тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик ҳамда ҳамжиҳатлик эл-юртимиз равнақи йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилаётган. Ўзбекистонимизнинг қисқа вақт ичида иқтисодий жиҳатдан барқарор давлатга айлангани, халқаро микёсда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлгани, барча соҳаларда улкан ютуқларга эришиб, қўлчилликнинг ҳайрат ва ҳавасини ортираётгани Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳаётта татбиқ этилаётган “Ўзбек модели”нинг нақадар пухта ва ишончли эканлигини яққол тасдиқламоқда.

Таъкидлаш жоизки, қўлга киритаётган ютуқларимизда бугунги замон талабларига мос тарзда шакллантирилган Қуролли Кучларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Чунки миллий армияимиз юртимиз мустақиллиги, унинг хавфсизлиги ва худудий яхлитлигининг ишончли кафолатидир. Бу мамлакатимиз Конституциясида ҳам ўз ифодасини топан. Жумладан, Асосий Қонунимизда белгилаб қўйилганидек, “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республи-

касининг давлат суверенитетини ва худудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади”. Ушбу мезон асосида барпо этилган профессионал армияимиз сафларида бугун миллий истиқлол гоёларига содиқ, жисмоний ҳамда маънавий жиҳатдан етуқ, мард ва жасур ўғлонлар хизмат қилмоқда. Шу кунларда мамлакатимизда миллий байрамимиз — Ватан ҳимоячилари кунини ҳамда Қуролли Кучларимизнинг 21 йиллиги кенг нишонланмоқда.

“Туркистон” саройида 11 январь кунини ушбу байрамга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга аскар ва сержантлар, курсантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари ва жамоатчилик вакиллари тақлиф этилди.

Тантанали маросимни Тошкент шаҳар ҳокими Р. Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ. Бердиев ўқиб эшиттирди.

(Давоми 2-бетда.)

12 январь — «Ватанга қасамёд» монументи очилган кун

Садоқат ва мардлик тимсоли



Меҳр-оқибатли, бағрикенг, меҳнатқаш, Ватан равнақи учун бутун борини беришга тайёр, садоқатда тенгсиз. Бу таъриф бизнинг халқимизга хос. Айтиш керакки, ана шундай ажойиб фазилатлар истиклол шарофати билан янада яққолроқ намоён бўлди. “Биздан озод ва обод Ватан қолсин” деган эзгу гоёни қалбининг туб-тубига

жойлаган юртдошларимиз мамлакат тараққийоти, келажақ авлод саодати учун фидойилик билан меҳнат қилмоқда. Юксак марраларни забт этиб, улғувор мақсадлар сари дадил одимламоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Биз ва жаҳон

Яқинда Бельгиянинг Лювен шаҳридаги “Brabant Hall” кўрғазмалар марказида “Hobo Reisen” компанияси томонидан халқаро сайёҳлик ярмаркаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Лювен халқаро сайёҳлик анжуманида

Дунёнинг 40 дан зиёд мамлакатидан келган компаниялар иштирокида ўтган ушбу тадбирда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ҳам тақдим қилинди.

Давлатимизнинг Бельгияда элчионаси кўмагида ташкил этилган миллий бўлмадан Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик имкониятлари, юртимизда мазкур соҳа тараққийотининг устувор йўналишлари, ўлкаимизнинг бой тарихий ва маданий мероси ҳамда қулай табиий ва иклимий шароитлари тўғрисида хикоя қиладиган ранг-баранг ахборот материаллари, халқ амалий санъати намуналари жой олди.

(Давоми 2-бетда.)

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Яқунланган йилда Тошкент вилоятидаги касб-хунар коллежларини тамомлаган ёшларнинг 600 нафарга яқини тадбиркорлик соҳасида фаолият бошлади.

Битирувчининг бизнес режаси

Ёш ишбилармонларнинг интилиши ва ташаббуслари жойлардаги тижорат банклари томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Худди шундай имкониятдан самарали фойдаланган Олмалик шаҳрилик коллеж битирувчиси Мухаммад Сафаров "Достон-Замира" хусусий корхонасини ташкил этди.

Шуниси эътиборлики, ўтган йил мобайнида вилоятдаги касб-хунар коллежлари битирувчилари томонидан ташкил этилган мининиқ, савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида 80 нафарга яқин кишининг бандлиги таъминланди.

Ф. ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жамғарма янги бинода

Қарши туманида Молия вазирлиги ҳузурдаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

— Янги маъмурий бинода жамғарма ходимлари томонидан пенсия ва нафақа олувчиларга сифатли хизмат кўрсатиш ва фуқароларни қабул қилиш учун барча шарт-шароит яратилди, — дейди Молия вазирлиги ҳузурдаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси бошлиғи Файзулла Юсупов. — Хоналар замонавий мебеллар билан жиҳозланган. Ходимлар соҳага тааллуқли барча меъёрий ҳужжатларнинг электрон нусхалари билан таъминланган.

Умуман, айна пайта вилоятда тизим ходимларининг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Хозирга қадар жамғарманинг 2 та туман бўлими янги бинога кўчиб ўтгани, жорий йилда яна 5 та туманда барча қўлайликларга эга бўлган шундай замонавий ишоотлар курилиши режалаштирилгани бунинг тасдиғидир.

А. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Молия муассасаларида

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ишлохотлар туфайли нафақат аҳоли турмуши фаровонлашмоқда, балки одамларимиз дунёқараши, эртанги кунга бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда.

Қурбонимиз ташаббуси билан ташкил этилган банкимиз, мана, қарийб 4 йилдирки, қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, у ерда замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилмалар барпо этиш, сервис хизматларини йўлга қўйиш орқали қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш борасида самарали ишларни олиб бормоқда. Бу борада банкнинг барча вилоятлардаги 42 та филиали ва улар таркибидagi шохобчалари томонидан кўрсатилаётган хизматлар, айниқса, қўл келаётир.

Qishloq Qurilish Bank

Турмуш фаровонлиги йўлида

Таъкидлаш жоизки, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида тураржойлар барпо этиш ишлари кўламини йилдан-йилга кенгаймоқда. Хусусан, 2009 — 2011 йиллар давомида 622 та қишлоқ массивида 15 047 та шундай уй-жой барпо этилган бўлса, банкимиз томонидан уни молиялаштириш учун аҳолига қарийб 650,9 млрд. сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

мунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар бўйича ўзгаришлар қаторида аҳолига ажратиладиган ипотека кредитларини қайтариш юзасидан ўрнатилган 6 ойлик имтиёзли давр 1 йилгача узайтирилиб, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси ва яққа тартибдаги уй-жой қурувчи ўртасида шартнома имзоланганидан сўнг яққа тартибда иморат қурувчига ер участкасини ажратиб кимшоши савдоси ўтказилмасдан, туман ҳокимининг қарори билан умрбод мерос қилиб қолувчи мулк сифатида расмийлаштирилиши, бу ҳудудларнинг сув таъминоти объектларини қуриш эса республика бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши сингари янгиликлар жорий этилган эди. Аҳолига қўлайлик яратувчи бу каби янгиликлар жорий йилда ҳам талайгина. Масалан, 2013 йилнинг

1 январидан бошлаб қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган яққа тартибдаги уй-жойларни сотиб олган жисмоний шахслар ипотека кредитлари тўлиқ қоплангунга қадар мулк солиғи тўлашдан озод қилиндилар. Шу билан бирга, намунавий лойиҳалар бўйича қурилаётган уй-жойлар учун чет элдан импорт қилинаётган қурилиш материалларини олиб киришда "Ўзпромашимпекс" компанияси, "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси билан шартнома тузиб, ушбу бунёдкорлик ишларида иштирок этаётган субпудрат ташкилотлари ҳамда қарор иловасига кўра қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар (вилоятларда ташкил этилган "Қишлоқ қурилиш сервис" корхоналари)га 2014 йил 1 январгача солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар берилди.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, қишлоқларда барпо этилаётган бу каби уйлар қурилишида маҳаллий маҳсулот-

лардан фойдаланишни таъминлаш мақсадида бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган ва айни муддао бўлмоқда. Чунки бу омил, аввало, қурилиш узлуksизлигини таъминласа, иккинчидан, унинг қиймати ҳаммабоб бўлишига хизмат қилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 12 мартдаги "2010 йилда қишлоқ жойларда яққа тартибда уй-жой қурилишининг асосий параметрлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, "Қишлоқ қурилиш банк" олди-га замонавий ускуналар ва тежамкорлик асосида иш юри-тадиган пишиқ гишт, эшик-ром, томёқич материаллари (металлочерепица) ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 12 та корхона ташкил этиш ва-зифаси юклатилган эди.

ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" 2010 йилда мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида салкам 20 миллиард сўмлик маблағларини йўналтирди. Шундан 3,5 миллиард сўми пишиқ гишт, эшик-ром ва томёқич материаллари ишлаб чиқарувчи янги корхоналарнинг устав капиталига тўғридан-тўғри киритилди. Қолган қисми эса инвестиция кредитлари сифатида тақдим этилди. Бу тад-бир амалда ўзи самарасини бериб, кўп ўтмай, жойларда ҳар бири йилга 15-20 миллион донга пишиқ гишт ишлаб чиқарувчи 12 та корхонага асос со-линди. Ушбу "Қишлоқ қурилиш сервис" МЧЖ шаклидаги объектларда 48 тадан янги иш ўринлари яратилди. Айни чоғда уларга касб-хунар коллежлари битирувчиларини жалб этиш ишлари ҳам жадал олиб борилаётир.

Кувончилиси, мазкур ишлаб чиқариш қувватларида кунга 50-60 минг донга пишиқ гишт ишлаб чиқарилмоқда. Келгусида унумдорлигини 1,5 бара-варга ошириш мақсадида касб-хунар фақолини 18 та ме-рофи қўшимча хумдонлар қуриш режалаштириляпти. Умуман, бугунги кунда "Қишлоқ қурилиш банк" то-монидан ташкил этилган бун-дай корхоналарда қарийб 700 киши меҳнат қилаётгани диқ-қатга сазовордир.

Мухтасар айтганда, қишлоқ жойларда изчиллик билан да-вом этаётган бунёдкорлик ишлари юртимизда инсон ман-фаати, унинг бахтли ва тўқис ҳаёт кечирishiга қаратилган-лиги билан аҳамиятлидир. "Қишлоқ қурилиш банк" эса ўз маблаг ва хизматлари орқали бундай эзгу ишларни жадал-лаштириш йўлида муносиб ҳисса қўшаверади.

Банк ахборот хизмати.

Давлатимиз раҳбарининг "2012 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яққа тартибдаги уй-жойларни қуриш Дастури тўғрисида"ги қарорига биноан, респу-бликамизнинг 272 та массивида жами 1 217 гектар майдонда умумий қиймати 906,0 млрд. сўм бўлган 8510 та уй-жойни қуриш ишлари якунига етказилмоқда. Бар-по этилаётган уй-жой эгаларига шу кунгача жами 432,4 млрд. сўмдан зиёд имтиёзли банк кредитлари берилди.

Қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг ҳаёт даражасини янада юксал-тиришига қаратилган лойиҳа-ларни молиялаштириш учун хо-риж банклари кредит линия-лари ҳам жалб қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ва Осиё Тараққиёт банки ўртаси-да имзоланган шартнома ҳам ана шундай йирик лойи-ҳалардан биридир. Унга муво-фиқ, 2015 йилнинг охиригача намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилишини босқичма-босқич молиялаштириш мақ-садида Осиё Тараққиёт бан-кидан 500,0 млн. АҚШ дол-лари миқдорига узоқ муддатли кредит линияси жалб этилди.

Ўтган йилда ана шу кре-дит линиясининг биринчи бос-қичи доирасида 159,6 млн. АҚШ долларидан зиёд маб-лаглар ўзлаштирилиб, ушбу маблаг тўлиқ уй-жойлар қу-рилишини молиялаштиришга йўналтирилди.

Айтиш жоизки, 2013 йилда республикамизда умумий май-донни 997,1 гектарни ташкил этувчи 353 та массивида 10 мингта уй-жой бунёд этилиши кўзга тўтилинмоқда. Мазкур ту-раржойларнинг 8510 таси Осиё Тараққиёт банкининг, 1 490 таси мамлакатимиз банкла-рининг имтиёзли ипотека кре-дитлари ва Молия вазирлиги-нинг мақсадли кредит линия-си ҳисобига қурилади.

Маълумки, ўтган йили на-

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Жиззах вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Самарқанд вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

2. Ургант тумани СИБ томонидан ФИБ Тайлоқ туманлараро судининг 2012 йил 16 августдаги 1695-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ургант шаҳри, Дўстлик маҳалласи, Навоий шохқўчасида жойлашган, умумий майдони 754,23 кв.м. бўлган, 2 қаватли, 7 та асосий хона ва 5 та ёрдамчи хонадан иборат «Бибишоҳ» савдо дўкони биноси кўйилмоқда.

«ТУРОН БАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ азиз юртдошларимизни 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни билан самимий муборакбод этади!

TURON BANK «ТУРОН БАНК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИГА «Ахбор рейтинг» миллий рейтинг агентлиги томонидан UZ, «Барқарор» рейтинг баҳоси берилди.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

асосан хатланган, Чирокчи тумани, «Жар» ҚФЙ, Дўстлик қишлоғида жойлашган, Чирокчи тумани, «Ўзбекистон» МТПга тегишли куйидаги ёрдамчи бинолар кўйилмоқда: 1. Қурилиш ости майдони 571,20 кв.м. бўлган (Д литерли) айвон биноси.

САНОАТ КОРХОНАСИ бош энергетикнинг биринчи ўринбосари лавозимга ишга қабул қилиш учун танлов оёлон қилади.

ОБ-ҲАВО (12 январь) Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида

Карор ва ижро

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ихтимой-сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида изчиллик билан олиб борилаётган яратувчанлик ишлари ҳар бир юртошимизни беҳад қувонтирмакда...

Юксак билим ва тараққиёт

Фарзандларимизнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши юртимиз келажагининг мустаҳкам пойдеворидир.

Президентимизнинг яқинда эълон қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини биз, чет тили ўқувчилари катта мамнуният билан кутиб олдик...

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида хорижий тилларни ўрганиш борасида ўзига хос илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган тажриба тўпланди...

Шу билан бир қаторда, қарорда таъкидланганидек "...таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва дарсликлар зармон талабларига, хусусан, илғор ахборот ва медиа-технологияларидан фойдаланиш борасидаги талабга тўлиқ жавоб бермаёпти...

Дарҳақиқат, чет тили ўқитишнинг бир қатор кечиктириб бўлмас масалалари ўзининг замонавий эҳтини кутмоқда...

га олиб келиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат саналади. Шу боис бу йўналиш чет тилларини мукамал ўрганиш ва ўргатиш борасида қўйилган оқилона, мақсадли қадамдир.

Қарорда шунингдек, "...олий ўқув юртиларида айрим махсус фанларни, хусусан, техник ва ҳалқаро мутахассисликлар бўйича ўқитиш чет тилларда олиб борилади", дейилган...

Бундан ташқари, таълим тизимидаги турли соҳа йўналишлари ҳисобга олинган ҳолда, чет тилларида дарсликлар ва

қўув-услубий қўлланмалар яратилиши зарур. Республикаимизда турли йўналишдаги луғатлар тузиш тизимини яратиш ҳам долзарб масала ҳисобланади...

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу қарор юксак аҳамияти билан алоҳида эътиборга моликдир. Унда таъкидланган чора-тадбирлар қўлама шунчалик кенги, бу биз, чет тиллари мутахассислари зиммасига катта масъулият юклайди...

Мухторхон УМАРХЎЖАЕВ, Андижон давлат университети профессори.



Фан ва техника янгиликлари

Юртимизда вирусли кўз касалликларини даволашга мўлжалланган, таъсир кўрсатиш муддати узайтирилган, биологик сўрилиш хусусиятига эга плёнка ишлаб чиқариш усули кашф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институти мутахассислари излашлари натижасида вужудга келган мазкур табиий воситасининг афзалликлари жуда кўп...

Плёнка табиийдир, жумладан, оптомология амалиётида вирусга қарши самарали восита сифатида қўлланилиши мўлжалланмоқда.



Мамлакатимизда фўзанинг янги навларини яратишда, энг аввало, халқаро бозор талаблари ҳисобга олинади.

Чунки юқори сифатли, касалик ва зараркундаларга чидамли, серхосил ва тегиш навларини харидорлар эътиборига тушиши амалиётда ўз исботини топган.

Шуни ҳисобга олган Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Биорганик кимё институти олимлари фўзанинг вилт(оқпалак касаллиги)га чидамлигини тезкор баҳолаш ва ҳосил сифатини ошириш технологиясини яратишди...

Алоқа ва тоза энергия технология маркази мутахассислари юртимиздаги почта бўлимларининг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида муқобил қуёш электростанциясини яратдилар.

Мазкур электростанция почта бўлимлари фаолиятида энергия тежамкорлигини таъминлашга хизмат қилади. Бунга кўра, светодиодли ёритиш чироқларидан фойдаланилди...

Илбс РАҲМАТУЛЛАЕВ, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси бўлим бошлиғи ўринбосари.

Умр зийнати

Меҳнат инсон умрига зийнат берса, рағбат янги гоғлар сари илҳомлантирар экан. Вилоятимиз ёки пойтахтимизда ташкил этиладиган фестиваллар, кўргазма-савдо ва ярмаркаларда қатнашганимда, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиламан...

Шуқуҳ

Ҳар бир ҳунарнинг сири бўлгани каби, каштадўзликнинг ҳам ўз синоати бор. Каштадўзликда оддийгина гул ёки шакл тикиш билан санъат намунаси яратилади...



лотларимизни Шаҳрисабздаги Оқсарой мажмуасида сотган бўлсак, бугун Самарқанд, Бухоро ва Тошкент шаҳарларидаги "Совғалар" дўконлари, кўргазма-савдо ярмаркалари билан ҳамкорликда иш юритаёلمиз...

Бизда азалдан чорпарчин, офтобараст, тўпчинни, бодомгул, қалампирмунчоқ, анор нухса попоп, кашта ва сўзаналар урф бўлган. Вилоятимизнинг чекка ҳудудларида мола-римиз бисотларида сақланаётган қадимий кашта ва сўзаналарни ўрганганимизда, бунга яна бир бор амин бўлдик...

Ўз навбатида, оддий ҳунарманд сифатида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Ҳунарманд" уюшмаси ва бир қатор иқодий ташкилотлар томонидан ташкил этилаётган кўргазма, ярмарка-савдолар, танлов ва санъат фестивалларини алоҳида таъкидлашим истардим.

Биргина мисол, биз тикувчи-ҳунармандлар шу кунга қадар тиккан маҳсу-

да акс этиб турибди. Сожида МЎМИНОВА, ҳунарманд, Қошқадарё вилояти

Шифокор маслаҳати

Хушхўр таомлар — дастурхонимиз кўрки. Шу боис ҳар йили табиатнинг сархил неъматлари пишиб етилган, уй бекалари қилиш мавсумига атай хилма-хил консерва маҳсулотларини тайёрлашади...



Саломатлик лоқайдликни кечирмайди

Аммо шуниси ҳам борки, консервланган мева ва сабзавотлар тарихида асаб тизими фаолияти бўлиб, бош миаянинг кислород билан таъминланиши сусаяди. Бундай пайтда беморнинг дармони қурийдми, кўз олди хиралашиб, нафас олиши қийинлашади...

Тажрибада шундай ҳолатлар ҳам юз берган. Масалан, бундан бир-икки йил аввал юқумли касалликлар шифохонасига оғир аҳволдаги бир болани олиб келишди. Афсуски, у шифохонага етмаёк, нобуд бўлган экан...

орқали сингади. Яхшилаб ювилмайди, қайнатилган сувда икки-уч мартаба чайиб олинмасдан консервланган маҳсулотларда ботулизм микроби сақланиб қолади. Консерва идишидаги кислородсиз муҳит ушбу микробнинг ривожланиши, кўпайиши ҳамда маҳсулотдан кучли захар ажралаб чиқишига сабаб бўлади...

Мунира УМАРОВА, табиёт фанлари номзоди.

Ижтимоий реклама

Advertisement for '2013 йилда қишлоқларда имтиёзли кредит асосида қуриладиган замонавий уй-жойлар учун буюртмалар қабул қилиш бошланди!' featuring images of houses and construction workers.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамаси

Баш муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 154. 130 598 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орнов. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев. Навбатчи — О. Файзиев. Мусоҳаҳчи — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.15

Тошширилди — 22.25 1 2 3 4 5